**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

# 5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси магистратура мутахассислигининг малака талаблари

**Тошкент**

ЎзР ОЎМТВ
Буйрук № 744
25 08 2018

## СЎЗ БОШИ

**1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент давлат педагогика университети.

**2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

**3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талаблар Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

| Т/р | | бет |
|---|---|---|
| **1.** | **5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси магистратура мутахассислигининг умумий таснифи........................................................................................** | |
| 1.1. | Қўлланиш соҳаси ......…………………………........................................ | 1 |
| 1.2. | *5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг таснифи...................................................... | 1 |
| **2.** | ***5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган талаблар..........................................................................................** | 2 |
| 2.1. | Магистрнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.......................................................................................... | 2 |
| 2.2. | *5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари ...................... | 3 |
| **3.** | ***5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.........** | 5 |
| 3.1. | Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ......................................................................................... | 6 |
| 3.2. | *5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми ........................................................................................... | 7 |

## I. *5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислигининг умумий таснифи

***5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси*** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи олий таълимнинг дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос малака (даража) си   1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

**Ўқув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малака (даража) си**

| **Ўқув режа ва фан дастурининг номи** | **Малака (даража)** | **Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати** |
|---|---|---|
| Мутахассисликнинг ўқув режа ва фан дастурлари | Магистр | 2 йил |

**1.1. Қўлланиш соҳаси**

**1.1.1.** Олий таълимнинг ушбу малака талаби ***5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси*** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун мажбурий талаблар мажмуасини ифодалайди.

**1.1.2.** Олий таълим муассасаси мазкур магистратура мутахассислиги бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда асосий ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

**1.1.3.** Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул – олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;
- ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);
- битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;
- таълим соҳасининг магистратура мутахассисликларидан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган бакалаврлар ва бошқа манфаатдорлар.

**1.2.** ***5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси*** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг

таснифи

***1.2.1. 5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислиги бўйича бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари:**

***5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислиги** – қўшимча равишда олий таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида жараённи лойиҳалаштириш ва бошқариш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.

***1.2.2. 5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

***5112000-Жисмоний маданият*** бакалавриат таълим йўналиши битирувчиларининг касбий фаолиятлари объектлари;

қўшимча равишда олий таълим тизими муассасаларида мутахассислик бўйича ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқот жараёнлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва техник лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи объектлар мажмуасини қамраб олади.

***1.2.3.* Таълим соҳаси бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

*илмий-педагогик;*

*илмий-тадқиқот;*

*маънавий-маърифий;*

*ташкилий-бошқарув;*

*олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

Магистратура битирувчилари магистр академик даражасини олгандан сўнг олий таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ ИТИларда катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил тадқиқотчи сифатида илмий-тадқиқот ишларини давом эттириши мумкин.

## 2. *5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

### 2.1. Магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

- илмий дунёқарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асосини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши; ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш;
- ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил тахлил қилиш;
- миллий маънавий ва умуминсоний қадриятлар бўйича ўз нуқтаи назарини оғзаки ва ёзма баён этиши, миллий ғоянинг назарий асосларни англаган ҳолда “Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш” бош ғоясининг моҳиятини ҳамда унинг асосий ғоялар билан мутаносиблиги ва фарқини ажрата олиш;
- табиат ва жамиятда юз бераётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, инсоннинг маънавий қиёфаси ҳақида билимларга эга бўлиши, улардан ҳаётда ва касбий фаолиятида ҳамда замонавий илмий тадқиқотларда фойдалана олиш;

- шахснинг инсон, жамият, атроф муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий меъёрларни касбий фаолиятида қўллай олиш;

- янги билимларни мустақил ўзлаштира олиши, такомиллаштириши ва ўз меҳнатини илмий асосда ташкил қила билиш;

- ўзининг индивидуал билимларига таянгани ҳолда ижтимоий ва шахсий аҳамиятга эга бўлган муаммоларни тушуниши ва уларни таҳлил қилиш;

- ўз фаолиятида меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиш;

- фикрлаш маданияти, муайян тафаккур услубига, оғзаки ва ёзма нутқини аниқ баён қилиш;

- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;

- илмий фаолияти натижаларини ҳис қилишга йўналтирилган ижтимоий масъулият шаклланган бўлиш;

- касбий фаолиятда ўзлаштирган фанларнинг асосий қонунларидан фойдаланиши, методларни таснифлаши, методологик тамойиллардан илмий фаолиятида фойдалана олиш;

- хорижий тиллардан бирини илмий мулоқот ва касбий малака алмашиш воситаси сифатида эгаллаган бўлиши;

- ахборотни тўплаш, сақлаш, уларга ишлов бериш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаш;

- ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил қарорлар қабул қила олиш;

- ахборот, билим, маълумотни бир-биридан фарқлаш малакасига эга бўлиш ва ахборот технологияларидан фойдалана олиш;

- бугунги ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш;

- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш;

- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиш;

- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашиш;

- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш;

- патент олиш учун иш меъёрий ҳужжатлар тайёрлай олиш;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш малакаларига эга бўлиши лозим.

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш ***малакаларига эга бўлиши лозим***.

## 2.2. *5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган малака талаблари

**Илмий-педагогик, педагогик фаолиятида:**

- фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;

- таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, ўқув-тарбиявий фаолият барча босқичларининг мантиқийлиги ва эмоционаллигига эришиш, дидактик воситалардан самарали фойдаланиш; зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усулларини шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш,ҳар бир дарсни ташхис этиш, прогнозлаш ва пухта лойиҳалаштириш;

- ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;

- жамоавий фаолият усуллари билан бирга таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг турли шаклларидан фойдаланиш, тезкор қайта алоқани таъминлаш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;

- таълим олувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;

- педагогик одоб талабларига амал қилиш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлиш;

- таълим олувчиларда ўқув-билиш фаолиятига доир ижобий сифатлар, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;

- таълим олувчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, “ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш”, “ўзиб кетиш” даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш;

- таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;

- аълим олувчиларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эҳтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг индивидуал йўналишларини лойиҳалаштириш;

- таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан уларнинг таълимий эҳтиёжларига мос келувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;

- педагогик жамоа, ота-оналар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;

- касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш.

- педагогларнинг касбий эҳтиёжлари ҳамда имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўллаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштириш;

- педагогларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларини амалда қўлланишини тадқиқ этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;

- таълимий дастурларни ва таълим олувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўлларини лойиҳалаштириш;

- ўқув фанлари мазмуни, назорат шакл ва методларини ҳамда дидактик-коррекцион материалларини лойиҳалаштириш;

- ўқитиш жараёни сифатини таъминловчи таълимий муҳитни лойиҳалаштириш;

- бўлғучи педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш ***малакаларига эга бўлиши керак.***

**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

- манбаларга асосланган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлай олиш;

- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;

- замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялар, илғор тажрибалардан фойдаланиш;

- илмий муаммоларни ҳал этишнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб

чиқиш ***малакаларига эга бўлиши керак.***

**Маънавий-маърифий фаолиятида:**

- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;
- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;
- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;
- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;
- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***малакаларига эга бўлиши керак***.

**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

- таълим-тарбия жараёни қатнашчилари ва ижодий жамоани бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;
- илмий ва ўқув фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни такомиллаштириш ***малакаларига эга бўлиши керак.***

**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда:**

- мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;
- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш маҳоратига эга бўлиши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;
- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник ва компьютер воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги янги шакл, методлар воситаларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш;
- электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;
- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;
- узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ***малакаларига эга бўлиши керак.***

## 3. *5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассислиги ўқув режаси ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режаси ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан

қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар;

мутахассислик фанлари;

илмий фаолият.

Ўқув режа ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режа ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ республика иқтисодиёти ва ижтимоий тармоқлари, бошқарув ва хўжалик юритиш субъектлари учун фундаментал, айниқса, юқори ва инновацион технологиялар бўйича чуқур билим ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлган кадрлар эҳтиёжини ҳамда узвийлик ва узлуксизлик тамойилларини ҳисобга олиши керак.

**ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, маданият, санъат, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгилаб туриши лозим.**

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимий-фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантиришга, шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур бўлган шароитларни яратишга масъул.

ОТМ ўқув жараёнини ижтимоий-тарбиявий ривожлантиришга, талабаларнинг ижтимоий ташкилотлар ишида, спорт ва ижодий тўгаракларда, магистрларнинг илмий жамиятларида иштирокига кўмаклашиши лозим.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёни машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларни ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан биргаликда жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, методлари ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурини шакллантиришда ОТМ талабаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, кўникма ва амалий малакаларни тўлиқ шакллантириш учун ОТМ ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

Магистратура мутахассислиги ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

### 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

**Умумметодологик фанлар блоки:**

миллий ғоя ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг боғлиқлигини ва унинг асосий мақсадларини англаши;

тадқиқот жараёнини тавсифлаш, хулосаларни таърифлаш ва олинган натижаларни баҳолаш, эмпирик ва назарий тадқиқот усулларини фарқлаш, кенгайтирилган тадқиқот режасини ишлаб чиқиш, фундаментал, амалий, инновацион лойиҳаларнинг бир-биридан фарқини билиши;

таълимга технологик ёндашув, ўқув мақсадларини аниқлаштириши, педагогик фаолиятни оқилона режалаштириши ва ташкил этиши;

ахборот тизимларини ташкил этиши ва бошқариши;

амалдаги қонунчилик нормаларини қўллаш орқали ҳуқуқий масалалаларни ҳал қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

**Мутахассислик фанлари блоки:**

ижтимоий-иқтисодий жараёнларни таҳлил эқилиши, моделлаштириши ва педагогик таълим соҳасидаги магистратура мутахассисликлари бўйича назарий ва амалий билимларни, укув ва кўникмаларни шакллантириши;

педагогик таълим соҳасидаги мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;

магистратура мутахассислиги бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида муайян илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий фаолият:** илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

**Илмий-тадқиқот ишларига бўлган талаблар:**

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий-тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга соҳа фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

**Илмий-педагогик ишлар:**

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш укуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

***Стажировка:***

педагогика таълим соҳасида илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириши;

педагогика таълим соҳасидаги инновацион янгиликлар билан таништириши;

педагогика таълим соҳасида амалий касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириши;

касбга самарали мослашувни таъминлаши;

Бунда стажировкага йўлланган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини якка жадвал (индивидуал график) асосида бажариши кўзда тутилади.

*Танлов фанлари:*

*Мутахассислик бўйича фан, иқтисодиёт, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. *5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* магистратура мутахассислиги ўқув режасидаги юклама ҳажми**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб

чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 30 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 20 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаолият 54 ҳафта.

Илмий амалиёт (стажировка) 21 ҳафта.

Аттестациялар 7 ҳафта.

Таътиллар 18 ҳафта.

Жами 100 ҳафта.

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши зарур:

Назарий таълим ва илмий фаолият 54 %

Илмий амалиёт (стажировка) 21 %

Аттестациялар 7 %

Таътиллар 18 %

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот ва илмий-педагогик иш, магистрлик диссертациясини тайёрлаш – 42,2 %;

илмий семинар – 11,1 %;

илмий амалиёт (стажировка) – 46,7 %

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар – 16 %;

мутахассислик фанлари – 54 %;

танлов фанлари – 30 %.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002: 651. 1/7 Гурух̦ Т 55

ОКС 01.040.01

**Таянч сўзлар:**

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият объекти, касбий фаолият соҳаси, йўналиш, ўрганиш натижалари, касб таълими, психология, касбий педагогика, таълимда ахборот технологиялари, педагогик маҳорат, педагогик технологиялар, методика, олий таълимнинг давлат таълим стандарти, бакалавриат, магистратура, малакавий талаблар, таълим дастури, таълим фанлари блоки, ўқув режа, ўқув фани, малакавий амалиёт, стандартлар категорияси, умумий малакавий талаблар, якуний давлат аттестацияси, таълим сифатини назорат қилиш, таълим дастурининг мазмуни ва компонентлари, йўналишнинг умумий тавсифи.

**5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси магистратура мутахассислигининг ўқув режасидаги ўқув фанлари бўйича соатлар ҳажми**

| т/р | Ўқув фанлари (курслар) ва илмий фаолият турларининг номи | Умумий юкламанинг ҳажми |
|---|---|---|
| **1.00.** | **Умумметодологик фанлар** | **260** |
| 1.01. | Илмий тадқиқот методологияси | **65** |
| 1.02. | Махсус фанларни ўқитиш методикаси | **65** |
| 1.03. | Амалий хорижий тил | **130** |
| **2.00.** | **Мутахассислик фанлари** | **870** |
| 2.01. | Жисмоний тарбия ва спорт назарияси ва методологияси | **246** |
| 2.02. | Жисмоний тарбия ва спорт фаолиятини илмий тадқиқ қилиш | **192** |
| 2.03. | Жисмоний ривожланишни назорат қилишнинг назарий ва амалий асослари | **192** |
| 2.04. | Жисмоний тарбия ва спортда менежмент ҳамда маркетинг | **120** |
| 2.05. | Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси | **120** |
| **3.00.** | **Танлов фанлари** | **490** |
| *3.01.* | *Танлов фанлари** | ***490*** |
| | **Жами:** | **1620** |
| **4.00.** | **Илмий фаолият** | **2430** |
| 4.01. | Илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик иш, магистрлик диссертациясини тайёрлаш | **1026** |
| 4.02. | Илмий семинар | **270** |
| 4.03. | Илмий амалиёт (стажировка) | **1134** |
| | **Жами:** | **4050** |
| | Аттестациялар | **378** |
| | **ҲАММАСИ** | **4428** |

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий кадрлар истеъмолчилари**

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

**Тошкент давлат педагогика университети**

**Ректор** _________________ **Ш.Шарипов**

2018 йил «6» 08

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Республика таълим маркази

**Директор** _________________ **М.Эсанов**

2018 йил «6» 08

М.Ў.

**КЕЛИШИЛГАН:**

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини**
**ривожлантириш маркази**

**Директор** _________________ **Б.Рахимов**

2018 йил «10» 08

М.Ў.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг**
**Янги дастурлар ва ўқув адабиётларининг жорий этилишини назорат қилиш Бош бошқармаси**

**Бошлиқ** _________________ **С.Ниязбеков**

2018 йил «___»___________

М.Ў.

**“5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси” магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режасини ишлаб чиқувчи**
**Ишчи гуруҳ таркиби**

| № | Ишчи гуруҳ раиси ва аъзоларининг Ф.И.Ш. | Лавозими, илмий даражаси ва унвони, иш жойи | Имзо |
|---|---|---|---|
| 1 | Ш.С.Шарипов | Раис – Низомий номидаги ТДПУ ректори, п.ф.д. | |
| 2 | Д.У.Эргашев | Раис ўринбосари - Низомий номидаги ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор, п.ф.н. | |
| | | *Аъзолари* | |
| 3 | У.Р.Раджапов | Низомий номидаги ТДПУ “Жисмоний маданият” кафедраси мудири, доцент | |
| 4 | Т.Б.Зайниддинов | Низомий номидаги ТДПУ “Жисмоний маданият” кафедраси катта ўқитувчиси | |
| 5 | Ф.А.Нурматов | Низомий номидаги ТДПУ “Жисмоний маданият” кафедраси катта ўқитувчиси | |
| 6 | А.А.Абдуллаев | Тошкент вилояти Чирчиқ ДПИ “Мактабгача ва бошланғич таълим” кафедраси мудири. | |
| 7 | Ш.Сарибоев | Гулистон ДУ “Факультетлараро жисмоний маданият ва спорт” кафедраси мудири, п.ф.н. | |
| 8 | З.Болтаев | Самарқанд ДУ “Спорт ўйинлари” кафедраси мудири | |
| 9 | Ж.Э.Эшназаров | Самарқанд ДУ “Жисмоний маданият” факультети профессори | |

**Ректор ____________________________Ш.С.Шарипов**

**М.Ў.**

**Ўқув ишлари бўйича проректор________________Д.У.Эргашев**

**Декан _________________А.А.Акрамов**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун Тошкент давлат педагогика университетида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича такомиллаштирилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини турдош олий таълим муассасалари билан**

## КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. «10» 08 2018й.

**Қатнашчилар:** Ф.Жўрақулов – ЖиззахДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Н.Жўраев - ҚўқонДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Ф.Г.Шарипов – ГулистонДУ ўқув ишлари бўйича проректори, Д.Бойтиллаев – НаманганДУ ўқув ишлари бўйича проректори, М.Жумамуротов – НукусДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, А.Қўшаков – НавДПИ ўқув ишлари бўйича проректори, Д.Давлетов – Математика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Р.Тургунбаев – Умумий математика кафедраси мудири, С.Турсунов – Информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудири, О.Дўстматов - Физика ва астрономия ўқитиш методикаси мудири, О.Искандаров - Кимё ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., Г.Шахмурова - Биология ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Г.Турсунбоева - Ботаника кафедраси мудири, Н.Алимқулов - География ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Д.Маматкулов - Зоология ва анатомия кафедраси мудири, З.Салиева – Педагогика ва умумий психология кафедраси мудири, Н.Халилова – Психология кафедраси мудири, Г.Джанпеисова – Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири, Д.Яқубжонова – Махсус таълим методикаси кафедраси мудири, З.Ахмедова – Коррекцион педагогика кафедраси мудири, С.Назаров – Инглиз тили назарияси ва ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., О.Юсупов – Инглиз тили амалий курси кафедраси мудири, О.Латипов - Рус тили ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Ю.Матенова - Рус адабиёти ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, О.Рахматуллаева - Ўзбекистон тарихи ва тарих ўқитиш методикаси кафедраси мудири в.б., Н.Жамолов - Миллий ғоя ва маънавият асослари кафедраси мудири, К.Туленова – Ижтимоий-иқтисодий фанлар кафедраси мудири в.б., Г.Анорқулова – Касб таълими методикаси кафедраси мудири, Д.Маматов – Меҳнат таълими ва дизайн кафедраси мудири, Н.Ташимов – Муҳандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Р.Халилов – Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири, Л.Набиуллина – Ахборот технологиялари кафедраси мудири, А.Холиқов – Бошланғич таълим методикаси кафедраси мудири, У.Раджабов – Жисмоний маданият кафедраси мудири, Қ.Панжиев – Мусиқа таълими кафедраси мудири ва таклиф этилганлар.

## КУН ТАРТИБИ

1. **Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида** белгиланган вазифаларни амалга ошириш бўйича Тошкент давлат педагогика университети ижодий ишчи

гурухлари томонидан тайёрланган "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим сохаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари хамда ўкув режаларининг мухокамаси:

Сўзга чикди: Д.Эргашев – маълумки, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириги хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўкув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўкишга кабул килиш тўгрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўгрисида"ги ПҚ-3775-сонли карорларида** белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш максадида амалдаги "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим сохаси бўйича такомиллаштирилган бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари хамда ўкув режаларини яратиш зарурияти туғилди. ТДПУнинг ишчи гурухи ва профессор-ўкитувчилари томонидан, "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофик 110000-Педагогика таълим сохаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари хамда ўкув режалари ишлаб чикилган. Янги яратилган малака талаблари хамда ўкув режаларини ушбу йигилишда мухокама килишимиз зарур. Мазкур масала юзасидан ТДПУда олиб борилган ва амалга оширилган ишлар билан батафсил танишиш зарур бўлади.

Эшитилди: А.А.Хўжаев – университет ўкув-услубий бўлими томонидан барча кафедра мутахассисларини жалб килган холда директив хужжатлар асосида 110000-Педагогика таълим сохаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари хамда ўкув режаларини лойихалари кайта ишлаб чикилди.

110000-Педагогика таълим сохаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари хамда ўкув режалари университет масъул ходимларидан иборат ишчи гурухлар томонидан яратилди:

| | | |
|---|---|---|
| Ш.С.Шарипов | - | Тошкент давлат педагогика университети ректори, Ишчи гурух раиси; |
| Д.У.Эргашев | - | Ўкув ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари; |
| Д.Давлетов | - | Математика ўкитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Р.Тургунбаев | - | Умумий математика кафедраси мудири; |
| С.Турсунов | - | Информатика ўкитиш методикаси кафедраси мудири; |
| О.Дўстматов | - | Физика ва астрономия ўкитиш методикаси мудири; |
| О.Искандаров | - | Кимё ўкитиш методикаси кафедраси мудири в.б.; |
| Г.Шахмурова | - | Биология ўкитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Г.Турсунбоева | - | Ботаника кафедраси мудири; |
| Н.Алимкулов | - | География ўкитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Д.Маматкулов | - | Зоология ва анатомия кафедраси мудири; |
| З.Салиева | - | Педагогика ва умумий психология кафедраси мудири; |
| Н.Халилова | - | Психология кафедраси мудири; |
| Г.Джанпеисова | - | Мактабгача таълим методикаси кафедраси мудири; |
| Д.Якубжонова | - | Махсус таълим методикаси кафедраси мудири; |
| З.Ахмедова | - | Коррекцион педагогика кафедраси мудири; |
| С.Назаров | - | Инглиз тили назарияси ва ўкитиш методикаси кафедраси мудири в.б.; |
| О.Юсупов | - | Инглиз тили амалий курси кафедраси мудири; |
| О.Латипов | - | Рус тили ва уни ўкитиш методикаси кафедраси мудири; |
| Ю.Матенова | - | Рус адабиёти ва уни ўкитиш методикаси кафедраси мудири; |
| О.Рахматуллаева | - | Ўзбекистон тарихи ва тарих ўкитиш методикаси кафедраси мудири в.б.; |
| Н.Жамолов | - | Миллий гоя ва маънавият асослари кафедраси мудири; |
| К.Туленова | - | Ижтимоий-иктисодий фанлар кафедраси мудири в.б.; |

Г.Аноркулова - Касб таълими методикаси кафедраси мудири;
Д.Маматов - Меҳнат таълими ва дизайн кафедраси мудири;
Н.Ташимов - Муҳандислик графикаси ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири;
Р.Халилов - Тасвирий санъат ва уни ўқитиш методикаси кафедраси мудири;
Л.Набиуллина - Ахборот технологиялари кафедраси мудири;
А.Холиков - Бошлангич таълим методикаси кафедраси мудири;
У.Ражабов - Жисмоний маданият кафедраси мудири;
К.Панжиев - Мусиқа таълими кафедраси мудири;

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Тошкент давлат педагогика университетида ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари: "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, **Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида** белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Халқ таълими вазирликлари экспертизасидан ўтказилганлиги инобатга олинсин.

2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини тайёрлашда турдош ОТМларининг таклифлари ҳисобга олинганлиги таъкидлансин.

3. **110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқлатиш учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

**Мажлис раиси** **Ш.С.Шарипов**

Котиб **А.А.Хўжаев**

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши**
**Мувофиқлаштирувчи Кенгаши *Педагогика* таълим соҳалари бўйича**
**ўқув-услубий бирлашмаси йиғилишининг 531-сонли**

## БАЁННОМАСИДАН КЎЧИРМА

Тошкент ш. "14" 08 2018й.

Қатнашдилар: **Бирлашма раиси** – Ш.С.Шарипов
**Ўқув-услубий бирлашма котиби: А.А.Хўжаев**
**Аъзолари:** - ўқув-услубий бирлашманинг 23 нафар аъзосидан 21 нафари, таклиф этилганлар 16 нафар.

### КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳайъат кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат педагогика университетида "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини муҳокама қилиш ҳамда уларни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

**Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси Ш.С.Шарипов:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Републикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан, "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режаларини таянч олий таълим муассасаси ТДПУнинг ишчи гуруҳи ва малакали профессор-ўқитувчилари томонидан, "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофиқ *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* такомиллаштирилганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу такомиллаштирилган малака талаблари ва ўқув режалари ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

**Сўзга чиқдилар:** ЖиззахДПИ ўқув ишлари бўйича проректори Ф.Жўрақулов, ҚўқонДПИ ўқув ишлари бўйича проректори Н.Жўраев, НукусДПИ ўқув ишлари бўйича проректори М.Жумамуротов, НавДПИ ўқув ишлари бўйича проректори А.Қўшаков, университет профессорлари Б.Абдуллаева, Н.Муслимов, доцентлар Н.Алимқулов, З.Салиева, А.Д.Давлетовлар сўзга чиқиб, *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

**Эшитилди: Университет ўқув ишлари бўйича проректори Д.Эргашев:**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим

сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан такомиллаштирилган малака талабларида таълим соҳасини ривожлантиришда рўй бераётган иқтисодий ислоҳатлар тўлалигича ўз аксини топди, олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тавсия этиш мумкин, - деб фикр билдирди.

"Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* республикадаги асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирликлар, Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамда турдош олий таълим муассасалари билан келишилган, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув услубий бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этилса бўлади.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:**

1. Турдош олий таълим муассасалари (ОТМ) вакилларини ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб қилган ҳолда Тошкент давлат педагогика университетида ташкил этилган ижодий ишчи гуруҳлар томонидан ишлаб чиқилган *110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апрелдаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.
2. **110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича ишлаб чиқилган *110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош ОТМлари манфаатдор вазирликларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин (110000-Педагогика таълим соҳасига кадрлар истеъмолчилари (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги) томонидан қўйиладиган умумий малака талаблари, "Келишув баённомалари", "Келишув далолатномалари" билан расмийлаштирилган ва малака талабларга илова қилинади).
3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар малака талабларининг яратилишида инобатга олинсин.
4. *110000-Педагогика таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ҳамда ўқув режалари* ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

**Бирлашма раиси** **Ш.С.Шарипов**

**Масъул котиб** **А.А.Хўжаев**

**Тошкент давлат педагогика университети 110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

**КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Тошкент ш. «10» 08 2018 й.

Биз қуйидаги имзо қўювчилар –Республика таълим маркази директори М.Эсанов ва ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректори Д.У.Эргашевлар халқ таълими вазирлиги ходимлари ҳамда ТДПУнинг профессор-ўқитувчилари биргаликда "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"га мувофиқ *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини* ишлаб чиқилганлиги, муҳокама қилинганлиги ҳамда ушбу ишлаб чиқилган малака талаблари ва ўқув режаларининг мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

*110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларини* ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

*110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режалари* "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 3 апреллаги 5002-сонли топшириғи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Републикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сонли, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сонли қарорларида белгиланган вазифалар ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

*110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг* малака талаблари ва ўқув режалари фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган *110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг* малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим маркази директори М.Эсанов

ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор Д.У.Эргашев

**110000-Педагогика таълим сохаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқилишига**

## ТУШУНТИРИШ ХАТИ

**110000-Педагогика таълим** сохаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга кабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сон, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон, Ўбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги "Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида"ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга асосланилди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда таълим соҳасининг битирувчиларига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйиладиган малака талаблари ҳисобга олинди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари малака талаблари бўйича "Гуманитар ва табиий-илмий фанлар" блоки 20-30%, умумкасбий фанлар блоки 30-50%, ихтисослик фанлар блоки 20-35% ни, қўшимча фанлар блоки 4-6% ни ташкил этди. Шунингдек, магистратура мутахассисликларининг малака талаблари бўйича "Умумметодологик фанлар" блоки 25-30%, "Мутахассислик фанлари" блоки 45-55% ни ташкил этди. Танлов фанлари блоки 15-30% ни ташкил этди ва ўзгармаган ҳолда қолди.

Ушбу малака талаблари "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мақсади ва вазифаларига мос, таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармонларини амалга оширишга йўналтирилган.

Малака талабларини ишлаб чиқишда мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди.

Малака талаблари асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий компетентлик шаклланиши таъминланади.

Ушбу малака талаблари халқаро тажриба, техника, технология, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари, иқтисодий устуворлик шароитида кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиёт қўядиган талабларни ҳисобга олган ҳолда яратилди.

Малака талаблари шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда узвийлик ва изчилликнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди.

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилиши натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари инобатга олинди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларига тажрибада синовдан ўтган таълим ва ишлаб чиқаришнинг илғор меъёрлари киритилди.

**110000-Педагогика таълим** соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талабларини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютуқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашуви шароитида кадрлар истеъмолчилари талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этилишига тегишли шароитлар яратилди.

**ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор** **Д.У.Эргашев**

**110000-Педагогика таълим соҳаси бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талабларини ишлаб чиқишда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг хорижий тажрибаларидан фойдаланилганлиги ҳақида**

## МАЪЛУМОТНОМА

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда АҚШ, Буюк Британия, Германия, Хитой Халқ Республикаси, Япония, Корея, Белоруссия, Россия ва бошқа хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида педагогика таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тажрибасидан фойдаланилди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатларда педагогик кадрлар тайёрлаш вақтининг кўп қисми малака амалиётини ўтказишга сарфланиши танқидий таҳлил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сон, 2017 йил 27 июлдаги "Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-3151-сон, 2018 йил 4 июндаги "2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисида"ги ПҚ-3769-сон, 2018 йил 5 июндаги "Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3775-сон, Ўбекистон Республикаси Президенти Девонининг 2018 йил 4 апрелдаги 5002-сонли топшириғи, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 7 июндаги "Олий таълим муассасаларининг янги 2018/2019 ўқув йилига самарали тайёргарлик кўриш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида"ги 504-сонли буйруғида белгиланган вазифалар асосида бакалавриат таълим йўналишлари талабаларининг малака амалиётларини ўтказиш муддати 24 ҳафта қилиб белгиланди. Мактабгача таълим йўналиши (3 йиллик) талабаларининг малака амалиётларини ўтказиш муддати 14 ҳафта, ўқиш даври 3 йил қилиб белгиланди.

**110000-Педагогика таълим соҳаси** бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари малака талаблари асосида кадрлар тайёрловчи олий ўқув юртларида бакалавриат талабалари илмий-тадқиқот ишларига жалб этилишини инобатга олиб, малака талабларида илмий-тадқиқот фаолияти ҳам назарда тутилган. Илғор хорижий мамлакатлардаги педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларида ўқитиладиган фанлар сонини ва номланишини ҳисобга олиб, ўқув режасида фан блоклари таркиби янгиланди.

Хорижий мамлакатларда олий педагогика таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрловчи таълим муассасаларида талабаларнинг келгуси фаолияти ҳисобга олиниб танлов бўйича фан ўрганиш имконияти берилади, яъни таълимни демократлаштиришни назарда тутишини эътиборга олиб, ушбу **110000-Педагогика таълим соҳаси** бўйича бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режасидаги танлов фанлари ҳажми олдинги авлод ўқув режасига нисбатан оширилди.

Педагогика таълим соҳаси бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш мақсадида магистратура талабалари малака талабларида мамлакатимиз ҳамда хорижий илмий ва таълим муассасаларида стажировка ўтказиш инобатга олинди.

**ТДПУ ўқув ишлари бўйича проректор** [signature] **Д.У.Эргашев**

**5A112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси магистратура мутахассислигининг малака талабларига берилган**

# ТАҚРИЗ

5A112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси магистратура мутахассислигида таълим олишни таъминлайдиган малака талаблари ўз ичига жисмоний тарбия фани мутахассисларини тайёрлаш учун зарур бўлган янги фанларни киритган.

Ушбу малака талабларида барча фанлар мазмуни батафсил кўрсатилган бўлиб, ушбу йўналиш бўйича Магистрлар тайёргарлиги даражасига қўйилган талаблар, таълим дастурининг тузилмаси ва мазмуни, таълим дастурининг амалга оширилиши Магистрлар тайёргарлиги сифатининг назорати, Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" асосида таълим-тарбия жараёнини оқилона ташкил этиш, илғор педагогик меросдан самарали фойдаланиш юксак педагогик маҳорат ва нутқ маданиятини намоён эта олишга ўргатиш малака талабларида алоҳида келтирилган.

Олий таълимнинг ушбу малака талаби жисмоний маданият таълим йўналиши бўйича магистрлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурининг ўзлаштирилишини амалга оширишда мутахассислик фанлар замон талабларидан келиб чиққан ҳолда танланган ва уларга ажратилган соатлар ҳажми ҳам етарли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун ягона талаблар мажмуини ифодалайди.

фанлардаги назарий курс, ўрганилаётган жисмоний машқлар бўйича назарий курс, таълим йўналиши бўйича курсларнинг мавжудлиги фанлар ўртасидаги узвийликни таъминлашга хизмат қилади. Малака талабларининг яна бир афзаллиги, яъни таълимнинг узвийлиги ва фанлараро интеграллашиш талабларига ҳам жавоб беришини таъкидлаш ва ҳисобга олиш лозимдир.

Малака талабларида магистратура таълим йўналиши – мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий таълим муассасалари учун магистратура таълим йўналиши бўйича педагогик кадр тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанларни ўқитишнинг меъёрий муддати, касбий фаолият соҳаси ва объектларнинг тавсифи, касбий фаолият турлари ва касбий мослашув имкониятлари кенг ёритилган. Магистрлар тайёрлашга қўйилган талабларда умумий малакавий талаблар, касбий ва ихтисослик бўйича бериладиган билимларга, фанлар бўйича малака ва кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган талаблар тўғри қўйилган ҳамда фан бўлимларига сезиларли даражада ўзгартиришлар киритилган. Булардан ташкари мутахассислик фанлар, танлов фанлар бўлимларида интеграллашган курсларга алоҳида эътибор берилган.

Хулоса қилиб айтганда 5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси магистратура мутахассислиги учун тайёрланган малака талаблари ҳозирги замон талабларига жавоб беради ҳамда магистрлар тайёрлашда асосий ҳужжат ҳисобланади.

Юқоридаги фикр ва хулосалардан келиб чиқиб, мазкур малака талабларини таълим жараёнига татбиқ этиш ва ундан фойдаланиш тавсия этилади.

**ЎзДЖТУ "Жисмоний маданият" кафедраси доценти:** **К.Д.Рахимқулов**

5А112001 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси магистратура мутахассислигининг малака талабларига

**ТАҚРИЗ**

5А112001 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси магистратура мутахассислигининг малака талаблари бу магистратурада таълим олишни таъминлайдиган асосий меъёрий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Ушбу малака талабларида мутахассисликнинг умумий тавсифи батафсил кўрсатилган бўлиб, мазкур мутахассислик бўйича магистрлар тайёргарлиги даражасига қўйилган талаблар, таълим дастурининг амалга оширилиши, магистрлар тайёргарлиги сифатининг назорати, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун “Кадрлар тайёрлаш миллий дастур” талаблари асосида таълим тарбия жараёнини оқилона ташкил эта олишга ўргатиш малака талабларида алоҳида келтирилган.

Магистратура мутахассислигининг ушбу малака талаби 3 та бўлим 12 та саҳифадан иборат бўлиб, олий маълумотли магистрларни тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда мутахассислик фанлари замон талабларидан келиб чиққан ҳолда танланган ва уларга ажратилган соатлар ҳажми етарли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун ягона талаблар мажмуини ифодалайди.

Мутахассислик фанлардаги назарий курс, ўрганилаётган жисмоний машқлар бўйича амалий курс, мутахассислик бўйича курсларнинг мавжудлиги фанлар ўртасидаги узвийликни таъминлашга хизмат қилади. Бу малака талабларининг яна бир афзаллиги яъни таълимнинг узвийлиги ва фанлараро интеграллашиш талабларига ҳам жавоб беришини таъкидлаш ва ҳисобга олиш лозим.

Малака талабларида магистратура таълим йўналиши – мактабгача таълим муассасалари, умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари учун магистратура таълим йўналиши бўйича педагогик кадр тайёрлаш жараёнида фойдаланиладиган фанларни ўқитишнинг меъёрий муддати, касбий фаолият соҳаси ва объектлари тавсифи, касбий фаолият турлари ва касбий мослашув имкониятлари кенг ёритилган. Магистрлар тайёрлашга қўйилган талабларда умумий малакавий талаблар, касбий ва ихтисослик бўйича бериладиган билимларга, фанлар бўйича малака ва кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган талаблар тўғри қўйилган ҳамда блокларга сезиларли даражада ўзгартиришлар киритилган. Булардан ташқари мутахассислик фанлар, ихтисослик ва қўшимча фанлар бўлимларида интеграллашган курсларга алоҳида эътибор берилган.

Хулоса қилиб айтганда жисмоний маданият таълим йўналиши магистратура таълим йўналиши учун тайёрланган малака талаблари ҳозирги замон талабларига жавоб беради ҳамда магистрлар тайёрлашда асосий ҳужжат ҳисобланади.

Юқоридаги фикр ва хулосалардан келиб чиқиб, мазкур малака талабларини таълим жараёнига татбиқ этиш ва ундан фойдаланиш тавсия этилади.

**Низомий номидаги ТДПУ**
**Жисмоний маданият**
**кафедраси доценти:** **Т.С.Ачилов**

Т. Ачилов ...ning imzosini tasdiqlayman Nizomiy nomli TDPU Ilmiy Kengashining kotibi
14.07.2015

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлигининг Тошкент давлат педагогика университети магистратура мутахассисликлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг магистратура мутахассисликлари битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари**

| **Магистратура мутахассислиги** | | **Магистратура мутахассисликлари учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг магистратура мутахассисликлари битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака (касбий компетентлик) талаблари** |
|---|---|---|
| **Шифри** | **Номи** | |
| **5А112001** | **Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси** | **Касбий фаолиятнинг соҳалари:**<br>– қўшимча равишда олий таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўкитиш, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиш, мос таълим йўналишлари бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида жараённи лойиҳалаштириш ва бошқариш каби комплекс масалалар мажмуасини қамраб олади.<br>**касбий фаолиятларининг объектлари:**<br>***5112000-Жисмоний маданият*** бакалавриат таълим йўналиши битирувчиларининг касбий фаолиятлари объектлари;<br>қўшимча равишда олий таълим тизими муассасаларида мутахассислик бўйича ўқув-тарбия ва илмий-тадқиқот жараёнлари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва техник лойиҳалари, илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланувчи объектлар мажмуасини қамраб олади.<br>**Таълим соҳаси бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**<br>*илмий-педагогик;*<br>*илмий-тадқиқот;*<br>*маънавий-маърифий;*<br>*ташкилий-бошқарув;*<br>*олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда* ва шу кабиларни ўз ичига олади.<br>Мутахассислик бўйича тайёрланган магистрлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.<br>**2.2. *5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси* мутахассислиги бўйича магистрларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган малака талаблари**<br>**Илмий-педагогик, педагогик фаолиятида:**<br>- фаннинг замонавий ютуқлари, педагогик технологиялардан фойдаланиш, дарсни ўқув-тарбиявий жараён қонуниятлари асосида ташкил этиш, таълим олувчиларнинг қизиқишлари, лаёқати ва талабларини ҳисобга олиш асосида улар томонидан билимларнинг пухта ўзлаштирилиши учун зарур шароитларни яратиш;<br>- таълим олувчи шахсининг ҳар томонлама ривожлантириш жараёнини мотивациялаш ва фаоллаштириш, ўқув-тарбиявий фаолият барча босқичларининг мантиқийлиги ва эмоционаллигига эришиш, дидактик воситалардан самарали фойдаланиш; зарур билим, кўникма ва малакалар, фикрлаш ва фаолият рационал усулларини шакллантириш, мавжуд билимларни доимо бойитиб бориш эҳтиёжини юзага келтириш,ҳар бир дарсни ташхис этиш, прогнозлаш ва пухта лойиҳалаштириш;<br>- ҳар бир дарснинг таълимий вазифаларини аниқ белгилаш, дарсни ахборотлар билан бойитиш, ижтимоий ва шахсий эҳтиёжларни ҳисобга олиш билан мазмунини оптималлаштириш, идрок этиш ва ўзлаштиришнинг энг янги технологияларини |

| | | |
|---|---|---|
| | | қўллаш, турли хилдаги шакл, метод ва воситалардан мос равишда фойдаланиш;<br>- жамоавий фаолият усуллари билан бирга таълим олувчиларнинг мустақил фаолиятларини ташкил этишнинг турли шаклларидан фойдаланиш, тезкор қайта алоқани таъминлаш, назорат ва бошқарувни амалга ошириш, дарсни маҳорат билан ўтказишни таъминлаш;<br>- таълим олувчиларни миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида тарбиялаш, уларда юксак маънавий-ахлоқий фазилатлар (ватанпарварлик, тиришқоқлик, тартиблилик, масъулиятлилик, интизомлилик, мустақиллик, толерантлик ва бошқалар)ни шакллантириш;<br>- педагогик одоб талабларига амал қилиш, таълим олувчилар билан ҳамкорлик ва уларнинг муваффақият қозонишларидан манфаатдор бўлиш;<br>- таълим олувчиларда ўқув-билиш фаолиятига доир ижобий сифатлар, қизиқиш, ижодий ташаббускорлик ва фаолликни шакллантириш ҳамда ривожлантириш;<br>- таълим олувчиларнинг идрок этиш имкониятлари даражасини ўрганиш, ҳисобга олиш, "ривожланишнинг яқин зонасини лойиҳалаштириш", "ўзиб кетиш" даражасидаги ўқув машғулотларини ташкил этиш;<br>- таълим олувчиларнинг шахсий ва касбий ривожланишини таъминлаш мақсадида таълим-тарбия шакл, метод ва воситаларини ҳамда таълим технологияларини оқилона танлаш ва самарали қўллаш;<br>- аълим олувчиларнинг ўзлаштирилаётган ўқув дастурлари билан боғлиқликдаги билиш имкониятлари, эхтиёжлари ва муваффақиятларини ўрганиш ва олинган натижалар асосида таълим, тарбия ва ривожланишнинг индивидуал йўналишларини лойиҳалаштириш;<br>- таълим ва тарбия жараёнини таълим олувчиларнинг ёш ҳамда психофизиологик хусусиятларига, шу жумладан уларнинг таълимий эхтиёжларига мос келувчи педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш;<br>- педагогик жамоа, ота-оналар, давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этиш;<br>- касбий ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожлантириш.<br>- педагогларнинг касбий эхтиёжлари ҳамда имкониятларини ўрганиш ва таҳлил қилиш ҳамда олинган натижалар асосида индивидуал методик қўллаб-қувватлаш тизимини лойиҳалаштириш;<br>- педагогларнинг ҳамкорликдаги методик фаолияти натижаларини амалда қўлланишини тадқиқ этиш, ташкил этиш ва баҳолаш;<br>- таълимий дастурларни ва таълим олувчиларнинг индивидуаллигини ривожлантириш йўлларини лойиҳалаштириш;<br>- ўқув фанлари мазмуни, назорат шакл ва методларини ҳамда дидактик-коррекцион материалларини лойиҳалаштириш;<br>- ўқитиш жараёни сифатини таъминловчи таълимий муҳитни лойиҳалаштириш;<br>- бўлғуси педагогик фаолиятни лойиҳалаштириш ***малакаларига эга бўлиши керак.***<br>**Илмий-тадқиқот фаолиятида:**<br>- манбаларга асосланган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлай олиш;<br>- илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;<br>- замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, таълим-тарбияга доир назариялар, концепциялар, илғор тажрибалардан фойдаланиш; |

| | | |
|---|---|---|
| | | - илмий муаммоларни ҳал этишнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш ***малакаларига эга бўлиши керак.***<br>**Маънавий-маърифий фаолиятида:**<br>- маънавий-маърифий ишларни режалаштира олиши, уни ташкил этиш методикасини эгаллаш, ўқувчилар онгига миллий истиқлол ғоясини сингдириш;<br>- ўқувчиларда мафкуравий ва ахборот хуружларига қарши иммунитетни юзага келтириш метод ва технологияларини билиши;<br>- глобаллашув шароитида кечаётган жараёнларда ахборот коммуникация технологияларининг ўрни ва таъсири ҳақида тушунтириш ишларини олиб бориш;<br>- маҳаллаларда маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича индивидуал суҳбат ўтказиш;<br>- миллий урф-одат ва маросимларни ўтказишда, умуминсоний қадриятлар, меҳр-мурувват, бағрикенглик, ватанпарварлик, садоқат каби юксак инсоний фазилатларни очиб бериш ***малакаларига эга бўлиши керак.***<br>**Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**<br>- таълим-тарбия жараёни қатнашчилари ва ижодий жамоани бошқариш, ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;<br>- e-learning ва m-learning технологиялари асосида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;<br>- илмий ва ўқув фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;<br>- замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнларни такомиллаштириш ***малакаларига эга бўлиши керак.***<br>**Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги педагогик фаолиятда:**<br>- мутахассислик фанларини ўқитиш методикасини эгаллаши;<br>- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш маҳоратига эга бўлиши;<br>- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш;<br>- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштириш;<br>- мутахассислик фанлари бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник ва компьютер воситаларидан фойдаланиш;<br>- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги янги шакл, методлар воситаларни ўзлаштириш ва ўз-ўзини ривожлантириш;<br>- электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;<br>- электрон (e-learning) ва мобил (m-learning) ўқитиш учун ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш;<br>узлуксиз таълим тизимининг ДТС, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ***малакаларига эга бўлиши керак.*** |

Жисмоний маданият кафедраси мудири У.Р.Раджапов

**«5A112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси» магистратура мутахассислиги бўйича малака талабининг халқаро миқёсидаги бошқа таълим йўналишлари малака талаблари билан қиёсий таққослаш**

**Магистратурада таълим жараёнининг умумий кўрсаткичлари**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура) | Жанубий Корея Республикаси (бакалавриатура) | Германия (бакалавриатура) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Бошланиши | Бакалавр даражаси дипломи олингандан сўнг | Бакалавр даражаси дипломи олингандан сўнг | Бакалавр даражаси дипломи олингандан сўнг |
| 2 | Давомийлиги | 2 йил | 2 йил | 2 йил |
| 3 | Таълим олувчилар сони | 10 | 2 | 4 |
| 4 | Ўтиш жойлари | Таълим муассаса-ларининг илмий тадқиқот бўлимларида, илмий тадқиқот институтларида, илмий муассасалар ва ўқув юртларининг тадқиқот бўлимларида ўтказилади | Университетга ҳомийлик қиладиган институтларда | Университет кафедрасида талабаларнинг йўналиши ва илмий тадқиқот мавзуларига таалуқли бўлган институтларда |
| 5 | Таълим берувчилар | Университетда фаолият юритаётган профессор-ўқитувчилар | Университетда фаолият юритаётган илмий унвонга эга бўлган малакали ўқитувчилар ва хорижий мутахассислар жалб этилади | Университетда фаолият юритаётган илмий унвонга эга бўлган соҳа мутахассислари ва хорижий мутахассислар жалб этилади |
| 6 | Таълим жараёнини кузатиш ва назорат қилиш | Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ДТМ, кафедра мудири, бириктирилган бошқа ўқитувчилар | Факультет рахбарияти ва тегишли кафедра мудирлари ва ўқитувчилар | Факультет деканати, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчи ўзига бириктирилган талабалар билан индивудуал тарзда фаолият юритади |

**Магистратурада таълим жараёнининг таркиби**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси (бакалавриатура) | Жанубий Корея Республикаси (бакалавриатура) | Германия (бакалавриатура) |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Назарий таълим | Кафедрадаги ўқитувчилар томонидан назарий билимлар талабаларга берилади | Асосан талабалар ўзларининг йўналишлари бўйича профессор-ўқитувчиларнинг маърузаларига киради | Асосий қисми факультетда маъруза курслари кўринишида ўтказилади |
| 2 | Амалий | Таълим муассасасида | Университет кафедралари қошидаги махсус лабораторияларда | Таълим муассасасида ва университет кафедралари қошидаги махсус лабораторияларда |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 3 | Илмий-тадқиқот ишлари | Бакалавриатурада таълим олувчилар танланган мавзуси бўйича битирув малакавий ишини асосан кафедра шароитида амалга оширади, кафедра ёки бошқа кафедра профессор-ўқитувчилари (маслаҳатчи) илмий раҳбар этиб тайинланади. Илмий изланиш давомида илмий мақолалар, тезислар ёзиш, республика ва халқаро илмий анжуманларда иштирок этиш ва маъруза қилиш билан шуғулланади | Илмий иш бўйича кафедра ёки ўзининг мавзуси бўйича бошқа мутахассис билан турли институтларда амалга оширилади. Бакалавриатда ўқиш жараёнида илмий рахбар тайинланади | Кафедра профессор-ўқитувчилари раҳбарлигида илмий дастурлар доирасида тадқиқот ишлари амалга оширилади. Илмий иш давомида рефератлар тақдим қилиши, конференцияларда иштирок қилиши ва илмий иш мавзуси бўйича журналга мақола ёзиши мумкин |
| 4 | Мустақил таълим | Талабалар назарий машғулотлар, амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича асосий база ва бошқа таълим муассасаларида яратилган шароитлардан (тарқатма материаллар, кутубхона, интернет тармоғи ва бошқа) фойдаланган ҳолда ўз билимларини оширишлари мумкин. | Талабалар турли мавзуларда мустақил изланадилар ва семестрлар якунида хулосаларини профессор-ўқитувчиларга тақдим этадилар (мақола, тақдимот) | Талабалар мустақил таълимда журналларга камда 2-3 мақола ёзадилар. Мослаштирилган барча шарт-шароитлардан кенг фойдаланишлари мумкин. |
| 5 | Таълим жараёнида баҳолаш | Талабаларнинг назарий ва амалий кўникмалар ва илмий ишлари бўйича билимларини баҳолаш бакалавриатда жорий, оралиқ, якуний баҳо кўринишида ва ҳар ярим йиллик ва йиллик аттестация кўринишида амалга оширилади. Якуний давлат имтиҳон саволлари оғзаки, ёзма, тест кўринишида ва амалий кўникмаларни намойиш этиш кўринишида талаб қилинади. | Семестрлар давомида асосий фанлардан белгиланган амалий, семинар машғулотлари орқали кредит йиғиб борадилар | Талабаларнинг жорий билими, компетенцияси ва ўзлаштириши оралиқ тест саволлари орқали, билимларни даврий оғзаки кўринишида текшириш, цикллар бўйича ҳар ярим йилда ёзма тест кўринишида амалга оширилади. |

**Изоҳ:** «5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси» магистратура мутахассислиги юзасидан, бирламчи манбаларга суянган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларни билиш, ҳозирги кунда ўқитишнинг долзарб йўналишларини амалиётга татбиқ этишни, доимий изланишни, таҳлил қилиш ва мукаммаллаштиришни талаб қилади. Юқоридаги маълумотларга асосан шуни айтиш мумкинки, давлатимизда яратилаётган «5А112001-Жисмоний тарбия ва спорт машғулотлари назарияси ва методикаси» магистратура мутахассислиги малака талаблари жаҳон андозаларига мос равишда бўлиб, бошқа давлатларнинг таълим дастурларига ўхшаш томонлари ҳамда ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради.